ҚҲММБ: 09/18/27/0600-сон
22.01.2018 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**15 январь 2018 й.г. № 27** Тошкент ш. – г. Ташкент

# Туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 майдаги ПФ-5052-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3001-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари (кейинги ўринларда АБКМ деб аталади) жойлашган бино ва иншоотлар хатловдан ўтказилганлиги ва унинг натижалари бўйича ташкил этиладиган шаҳар (туман) Давлат хизматлари марказлари билан бандлик соҳасида ўзаро ҳамкорликда давлат хизматлари кўрсатишга доир самарали, тезкор ва шаффоф фаолият кўрсатишини таъминловчи АБКМларнинг замонавий биноларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича намунавий лойиҳа тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда ўтказилган хатлов натижаларига кўра ишлаб чиқилган 2018-2021 йилларда туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) иловага мувофиқ маъқуллансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри хокимликларининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари АБКМларнинг биноларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича буюртмачи ҳисобланиши, лойиҳалаш ва бош пудратчи ташкилотлар белгиланган тартибда ўтказиладиган танлов (тендер) савдолари натижаларидан келиб чиққан ҳолда аниқланиши белгилаб қўйилсин.

4. АБКМлари биноларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича буюртмачилар белгиланган тартибда:

ҚҲММБ: 09/18/27/0600-сон
22.01.2018 й.



лойиҳалаш ташкилотлари билан биргаликда - лойиҳа-смета ҳужжатларининг замонавий ва оптимал архитектура ечимларини қўллаган ҳолда ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини;

қурилиш ташкилотлари билан биргаликда - қурилиш-монтаж ишларининг тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ сифатли бажарилишини таъминласинлар.

5. Қуйидагилар Дастурнинг амалга оширилишини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, АБКМ биноларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш, жиҳозлаш ва уларга ёндош ҳудудларни ободонлаштириш ишлари бўйича – Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари;

АБКМ биноларини қуриш бўйича –Ўзбекистон Республикасининг 2019-2020 йилларга мўлжалланган Давлат ривожланиш дастурлари параметрлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан марказлаштирилган қўйилмалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари.

6. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда Дастурни амалга ошириш учун халқаро молиявий институтлар маблағларини ва техник кўмаклашиш лойиҳаларини, шунингдек, ҳомийлик хайрияларини жалб этиш чора-тадбирларини кўрсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри хокимликлари АБКМ бинолари қурилиши учун, муҳандислик ва йўл-транспорт инфратузилмаси билан тўлиқ таъминланганлигини ва фуқаролар учун қулай жойлаштиришни ҳисобга олган ҳолда, ер участкалари ажратилишини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг 2019-2020 йилларга мўлжалланган Давлат ривожланиш дастурларини шакллантиришда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида иловага мувофиқ АБКМ бинолари қурилиши учун капитал қўйилмаларнинг тегишли лимитларини назарда тутсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси лойиҳа-смета ҳужжатларининг давлат экспертизасидан ўтказилишини ва бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари сифати юзасидан архитектура-қурилиш назоратини белгиланган тартибда таъминласин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Молия вазири Ж.А.Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири А.А.Хаитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А.Арипов**

Умумий бўлим № 3

ҚҲММБ: 09/18/27/0600-сон
22.01.2018 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 15 январдаги
27-сон қарорига
илова

**2018-2021 йилларда туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш**
**Д А С Т У Р И**

| Т/р | Туман (шаҳар)лар номи, иш турлари (мебель ва ташкилий техника билан таъминлаган холда) | Ишларнинг ҳисобланган қиймати (млн сўм)* | Шу жумладан йиллар бўйича** | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил | 2021 йил |
| | **I. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига АБКМ биноларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш** | | | | | |
| | **Қорақалпоғистон Республикаси** | | | | | |
| | **Қурилиш** | | | | | |
| 1 | Мўйноқ тумани | 760,0 | 760,0 | | | |
| | **Реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш** | | | | | |
| 2 | Нукус шаҳри | 350,0 | | | | 350,0 |
| 3 | Хўжайли тумани | 350,0 | | 350,0 | | |
| 4 | Қораўзак тумани | 200,0 | | | 200,0 | |
| 5 | Қўнғирот тумани | 250,0 | | | 250,0 | |
| 6 | Тахтакўпир тумани | 220,0 | | 220,0 | | |
| 7 | Тўрткўл тумани | 450,0 | | | | 450,0 |
| 8 | Тахиатош тумани | 350,0 | | 350,0 | | |
| 9 | Амударё тумани | 250,0 | 250,0 | | | |
| 10 | Беруний тумани | 150,0 | | | 150,0 | |
| 11 | Қонликўл тумани | 210,0 | | | 210,0 | |
| 12 | Кегейли тумани | 200,0 | | | 200,0 | |
| 13 | Нукус тумани | 150,0 | 150,0 | | | |
| 14 | Элликқалъа тумани | 230,0 | 230,0 | | | |
| 15 | Шуманай тумани | 120,0 | 120,0 | | | |
| | **Жами:** | **4240,0** | **1 510,0** | **920,0** | **1010,0** | **800,0** |
| | **Андижон вилояти** | | | | | |
| | **Қурилиш** | | | | | |
| 16 | Хонобод шаҳри | 700,0 | | 700,0 | | |
| 17 | Улуғнор тумани | 700,0 | 700,0 | | | |
| 18 | Асака тумани | 700,0 | | | | 700,0 |
| 19 | Балиқчи тумани | 700,0 | | 700,0 | | |
| 20 | Марҳамат тумани | 700,0 | | | 700,0 | |
| 21 | Хўжаобод тумани | 650,0 | | | | 650,0 |
| 22 | Шахрихон тумани | 650,0 | | | | 650,0 |
| 23 | Пахтаобод тумани | 750,0 | 750,0 | | | |
| | **Мукаммал таъмирлаш** | | | | | |
| 24 | Бўз тумани | 100,0 | 100,0 | | | |
| 25 | Булоқбоши тумани | 250,0 | | | 250,0 | |
| 26 | Қўрғонтепа тумани | 100,0 | | | | 100,0 |
| | **Жами:** | **6 000,0** | **1 550,0** | **1 400,0** | **950,0** | **2 100,0** |
| | **Бухоро вилояти** | | | | | |
| | **Қурилиш** | | | | | |
| 27 | Когон шаҳри | 750,0 | | | 750,0 | |
| 28 | Олот тумани | 750,0 | 750,0 | | | |
| 29 | Когон тумани | 750,0 | | 750,0 | | |

| Т/р | Туман (шаҳар)лар номи, иш турлари (мебель ва ташкилий техника билан таъминлаган холда) | Ишларнинг ҳисобланган қиймати (млн сўм)* | Шу жумладан йиллар бўйича** | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил | 2021 йил |
| | **Реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш** | | | | | |
| 30 | Бухоро тумани | 250,0 | | | 250,0 | |
| 31 | Қоракўл тумани | 250,0 | | | 250,0 | |
| 32 | Пешку тумани | 250,0 | | | 250,0 | |
| 33 | Бухоро шаҳри | 100,0 | | | | 100,0 |
| 34 | Ғиждувон тумани | 250,0 | | | 250,0 | |
| 35 | Қоровулбозор тумани | 250,0 | 250,0 | | | |
| 36 | Ромитан тумани | 250,0 | 250,0 | | | |
| 37 | Шофиркон тумани | 180,0 | | 180,0 | | |
| | **Жами:** | **4 030,0** | **1 250,0** | **930,0** | **1 750,0** | **100,0** |
| | **Жиззах вилояти** | | | | | |
| | **Қурилиш** | | | | | |
| 38 | Жиззах шаҳри | 720,0 | | 720,0 | | |
| 39 | Ш.Рашидов тумани | 720,0 | | 750,0 | | |
| 40 | Зарбдор тумани | 750,0 | | | 720,0 | |
| 41 | Зомин тумани | 750,0 | 750,0 | | | |
| | **Реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш** | | | | | |
| 42 | Зафаробод тумани | 350,0 | | | | 350,0 |
| 43 | Янгиобод тумани | 250,0 | 250,0 | | | |
| 44 | Бахмал тумани | 350,0 | 350,0 | | | |
| 45 | Дўстлик тумани | 250,0 | | | 250,0 | |
| 46 | Мирзачўл тумани | 350,0 | | 350,0 | | |
| 47 | Пахтакор тумани | 300,0 | | | | 300,0 |
| 48 | Фориш тумани | 350,0 | 350,0 | | | |
| | **Жами:** | **5 140,0** | **1 700,0** | **1 820,0** | **970,0** | **650,0** |
| | **Қашқадарё вилояти** | | | | | |
| | **Қурилиш** | | | | | |
| 49 | Китоб тумани | 750,0 | 750,0 | | | |
| 50 | Яккабоғ тумани | 750,0 | | 750,0 | | |
| | **Реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш** | | | | | |
| 51 | Муборак тумани | 350,0 | 350,0 | | | |
| 52 | Ғузор тумани | 250,0 | | | | 250,0 |
| 53 | Деҳқонобод тумани | 250,0 | 250,0 | | | |
| 54 | Нишон тумани | 250,0 | | | 250,0 | |
| 55 | Қарши шаҳри | 250,0 | 250,0 | | | |
| 56 | Қарши тумани | 220,0 | | 220,0 | | |
| 57 | Қамаши тумани | 104,0 | | | 104,0 | |
| 58 | Косон тумани | 102,0 | | 102,0 | | |
| 59 | Миришкор тумани | 105,0 | | | | 105,0 |
| 60 | Шаҳрисабз тумани | 250,0 | | | | 250,0 |
| | **Жами:** | **3 631,0** | **1 600,0** | **1 072,0** | **354,0** | **605,0** |
| | **Навоий вилояти** | | | | | |
| | **Қурилиш** | | | | | |
| 62 | Навоий шаҳри | 850,0 | 850,0 | | | |
| 63 | Кармана тумани | 850,0 | | 850,0 | | |
| 64 | Конимех тумани | 850,0 | | 850,0 | | |
| 65 | Қизилтепа тумани | 850,0 | | | 850,0 | |
| 66 | Нурота тумани | 850,0 | | | | 850,0 |
| | **Реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш** | | | | | |
| 67 | Зарафшон шаҳри | 250,0 | 250,0 | | | |
| 68 | Навбаҳор тумани | 250,0 | | | | 250,0 |
| 69 | Хатирчи тумани | 200,0 | 200,0 | | | |
| | **Жами:** | **4 950,0** | **1 300,0** | **1 700,0** | **850,0** | **1 100,0** |

| Т/р | Туман (шаҳар)лар номи, иш турлари (мебель ва ташкилий техника билан таъминлаган ҳолда) | Ишларнинг ҳисобланган қиймати (млн сўм)* | Шу жумладан йиллар бўйича** | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил | 2021 йил |
| | **Наманган вилояти** | | | | | |
| | **Қурилиш** | | | | | |
| 70 | Мингбулоқ тумани | 800,0 | | | | 800,0 |
| 71 | Наманган тумани | 750,0 | 750,0 | | | |
| 72 | Норин тумани | 750,0 | | 750,0 | | |
| 73 | Уйчи тумани | 750,0 | | 750,0 | | |
| 74 | Учқўрғон тумани | 800,0 | | | | 800,0 |
| | **Реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш** | | | | | |
| 75 | Наманган шаҳри | 250,0 | | 250,0 | | |
| 76 | Косон тумани | 250,0 | | | 250,0 | |
| 77 | Поп тумани | 250,0 | | 250,0 | | |
| 78 | Тўрақўрғон тумани | 250,0 | | | 250,0 | |
| 79 | Чортоқ тумани | 200,0 | 200,0 | | | |
| 80 | Янгиқўрғон тумани | 250,0 | 250,0 | | | |
| | **Жами:** | **5 300,0** | **1 200,0** | **2 000,0** | **500,0** | **1 600,0** |
| | **Самарқанд вилояти** | | | | | |
| | **Қурилиш** | | | | | |
| 81 | Булунғур тумани | 750,0 | | | 750,0 | |
| 82 | Кўшработ тумани | 750,0 | 750,0 | | | |
| 83 | Пахтачи тумани | 750,0 | | | | 750,0 |
| | **Реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш** | | | | | |
| 84 | Оқдарё тумани | 500,0 | | | 500,0 | |
| 85 | Жомбой тумани | 500,0 | | 500,0 | | |
| 86 | Нарпай тумани | 500,0 | | | | 500,0 |
| 87 | Пайариқ тумани | 500,0 | | | 500,0 | |
| 88 | Ургут тумани | 500,0 | | | 500,0 | |
| 89 | Самарқанд шаҳри | 250,0 | | | 250,0 | |
| 90 | Каттақўрғон шаҳри | 250,0 | 250,0 | | | |
| 91 | Иштихон тумани | 250,0 | 250,0 | | | |
| 92 | Каттақўрғон тумани | 250,0 | | 250,0 | | |
| 93 | Пастдарғом тумани | 250,0 | | 250,0 | | |
| 94 | Самарқанд тумани | 250,0 | | | 250,0 | |
| 95 | Нуробод тумани | 250,0 | 250,0 | | | |
| 96 | Тайлоқ тумани | 250,0 | | | 250,0 | |
| | **Жами:** | **6750,0** | **1 500,0** | **1 000,0** | **3 000,0** | **1 250,0** |
| | **Сурхондарё вилояти** | | | | | |
| | **Қурилиш** | | | | | |
| 97 | Термиз шаҳри | 800,0 | | | | 800,0 |
| 98 | Денов тумани | 800,0 | | | 800,0 | |
| 99 | Сариосиё тумани | 800,0 | 800,0 | | | |
| 100 | Термиз тумани | 800,0 | | 800,0 | | |
| 101 | Шеробод тумани | 800,0 | | | | 800,0 |
| | **Реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш** | | | | | |
| 102 | Музработ тумани | 400,0 | | | | 400,0 |
| 103 | Олтинсой тумани | | | | 400,0 | |
| 104 | Узун тумани | 400,0 | | | | 400,0 |
| 105 | Шўрчи тумани | 400,0 | | | 400,0 | |
| 106 | Бойсун тумани | 300,0 | 300,0 | | | |
| 107 | Жарқўрғон тумани | 200,0 | | | 200,0 | |
| 108 | Қумқўрғон тумани | 200,0 | | 200,0 | | |
| 109 | Қизириқ тумани | 300,0 | 300,0 | | | |
| | **Жами:** | **6 600,0** | **1 400,0** | **1 000,0** | **1 800,0** | **2 400,0** |
| | | | | | | |

| Т/р | Туман (шаҳар)лар номи, иш турлари (мебель ва ташкилий техника билан таъминлаган ҳолда) | Ишларнинг ҳисобланган қиймати (млн сўм)* | Шу жумладан йиллар бўйича** | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил | 2021 йил |
| | **Сирдарё вилояти** | | | | | |
| | **Қурилиш** | | | | | |
| 110 | Ширин шаҳри | 750,0 | | 750,0 | | |
| 111 | Оқ олтин тумани | 750,0 | | | | 750,0 |
| 112 | Боёвут тумани | 750,0 | | | | 750,0 |
| 113 | Гулистон тумани | 750,0 | | | 750,0 | |
| 114 | Сирдарё тумани | 750,0 | | 750,0 | | |
| | **Реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш** | | | | | |
| 115 | Янгиер шаҳри | 380,0 | | | 380,0 | |
| 116 | Сардоба тумани | 250,0 | | 250,0 | | |
| 117 | Ховос тумани | 250,0 | | | 250,0 | |
| 118 | Гулистон шаҳри | 200,0 | 550,0 | | | |
| | **Жами:** | **4 830,0** | **550,0** | **1 750,0** | **1 380,0** | **1 500,0** |
| | **Тошкент вилояти** | | | | | |
| | **Қурилиш** | | | | | |
| 119 | Нурафшон шаҳри | 700,0 | 700,0 | | | |
| 120 | Паркент тумани | 700,0 | | 700,0 | | |
| 121 | Юқори Чирчиқ тумани | 700,0 | | 700,0 | | |
| 122 | Янгийўл тумани | 750,0 | | | | 750,0 |
| 123 | Янгийўл шаҳри | 750,0 | | | 750,0 | |
| | **Реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш** | | | | | |
| 124 | Ангрен шаҳри | 350,0 | | | | 350,0 |
| 125 | Оҳангарон тумани | 350,0 | | | 350,0 | |
| 126 | Тошкент тумани | 350,0 | | | | 350,0 |
| 127 | Оққўрғон тумани | 350,0 | | | 350,0 | |
| 128 | Бўка тумани | 350,0 | | | 350,0 | |
| 129 | Ўрта Чирчиқ тумани | 350,0 | | | 350,0 | |
| 130 | Пискент тумани | 350,0 | | | | 350,0 |
| 131 | Чиноз тумани | 350,0 | | | | 350,0 |
| 132 | Чирчиқ шаҳри | 250,0 | | 250,0 | | |
| 133 | Олмалиқ шаҳри | 250,0 | 250,0 | | | |
| 134 | Бўстонлиқ тумани | 250,0 | | 250,0 | | |
| 135 | Бекобод тумани | 300,0 | | | 300,0 | |
| 136 | Қибрай тумани | 300,0 | | | 300,0 | |
| 137 | Қуйи Чирчиқ тумани | 300,0 | | | 300,0 | |
| | **Жами:** | **8 050,0** | **950,0** | **1 900,0** | **3 050,0** | **2 150,0** |
| | **Фарғона вилояти** | | | | | |
| | **Қурилиш** | | | | | |
| 138 | Қўқон шаҳри | 750,0 | | 750,0 | | |
| 139 | Марғилон шаҳри | 700,0 | 700,0 | | | |
| 140 | Кувасой шаҳри | 700,0 | | | 700,0 | |
| 141 | Қува тумани | 750,0 | | 750,0 | | |
| 142 | Фарғона тумани | 750,0 | | 750,0 | | |
| 143 | Данғара тумани | 800,0 | | | | 800,0 |
| 144 | Фурқат тумани | 800,0 | | | 800,0 | |
| 145 | Ёзёвон тумани | 750,0 | | | | 750,0 |
| | **Реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш** | | | | | |
| 146 | Қўштепа тумани | 250,0 | | | 250,0 | |
| 147 | Бувайда тумани | 250,0 | | | | 250,0 |
| 148 | Бешариқ тумани | 350,0 | | | 350,0 | |
| 149 | Учкўприк тумани | 250,0 | | | | 250,0 |
| 150 | Тошлоқ тумани | 250,0 | | | 250,0 | |
| 151 | Олтиариқ тумани | 200,0 | 200,0 | | | |
| 152 | Боғдод тумани | 250,0 | 250,0 | | | |
| 153 | Сўх тумани | 200,0 | 200,0 | | | |
| | **Жами:** | **8 000,0** | **1 350,0** | **2 250,0** | **2 350,0** | **2 050,0** |

ҚҲММБ: 09/18/27/0600-сон
22.01.2018 й.



| Т/р | Туман (шаҳар)лар номи, иш турлари (мебель ва ташкилий техника билан таъминлаган ҳолда) | Ишларнинг ҳисобланган қиймати (млн сўм)* | Шу жумладан йиллар бўйича** | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил | 2021 йил |
| | **Хоразм вилояти** | | | | | |
| | **Қурилиш** | | | | | |
| 154 | Хива шаҳри | 700,0 | | 700,0 | | |
| 155 | Гурлан тумани | 700,0 | 700,0 | | | |
| 156 | Урганч тумани | 750,0 | | | | 750,0 |
| 157 | Ҳазорасп тумани | 750,0 | | | | 750,0 |
| 158 | Янгиариқ тумани | 700,0 | | 700,0 | | |
| | **Реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш** | | | | | |
| 159 | Қўшкўпир тумани | 350,0 | | | | 350,0 |
| 160 | Ҳонка тумани | 350,0 | | | 350,0 | |
| 161 | Хива тумани | 350,0 | | | 350,0 | |
| 162 | Шовот тумани | 350,0 | | | 350,0 | |
| 163 | Янгибозор тумани | 350,0 | | | 350,0 | |
| 164 | Урганч шаҳри | 250,0 | | | | 250,0 |
| | **Жами:** | **5 600,0** | **700,0** | **1 400,0** | **1 400,0** | **2 100,0** |
| | **Тошкент шаҳри** | | | | | |
| | **Қурилиш** | | | | | |
| 165 | Бектемир тумани | 800,0 | | | | 800,0 |
| 166 | Олмазор тумани | 800,0 | | 800,0 | | |
| 167 | Шайхонтоҳур тумани | 800,0 | | | 800,0 | |
| 168 | Юнусобод тумани | 800,0 | | 800,0 | | |
| 169 | Чилонзор тумани | 800,0 | 800,0 | | | |
| | **Мукаммал таъмирлаш** | | | | | |
| 170 | Мирзо Улуғбек тумани | 400,0 | 400,0 | | | |
| 171 | Миробод тумани | 400,0 | | | 400,0 | |
| 172 | Сирғали тумани | 400,0 | 400,0 | | | |
| 173 | Яккасарой тумани | 400,0 | | 400,0 | | |
| 174 | Яшнобод тумани | 400,0 | 400,0 | | | |
| | **Жами:** | **6 000,0** | **2 000,0** | **2 000,0** | **1 200,0** | **800,0** |
| | **Ҳаммаси:** | **79121,0** | **18 560,0** | **18 142,0** | **20 564,0** | **19 205,0** |
| | **II. Ўзбекситон Республикаси Давлат бюджетининг марказлаштирилган капитал қўйилмалар маблағлари ҳисобига АБКМ биноларини қуриш ***** | | | | | |
| | **Қорақалпоғистон Республикаси** | | | | | |
| 1 | Чимбой тумани | 780,0 | | 780,0 | | |
| | **Андижон вилояти** | | | | | |
| 2 | Андижон тумани | 700,0 | | 700,0 | | |
| 3 | Жалақудуқ тумани | 700,0 | | | 700,0 | |
| | **Бухоро вилояти** | | | | | |
| 4 | Вобкент тумани | 750,0 | | | 750,0 | |
| 5 | Жондор тумани | 750,0 | | 750,0 | | |
| | **Жиззах вилояти** | | | | | |
| 6 | Арнасой тумани | 750,0 | | | 750,0 | |
| 7 | Ғаллаорол тумани | 720,0 | | 720,0 | | |
| | **Қашқадарё вилояти** | | | | | |
| 9 | Касби тумани | 750,0 | | | 750,0 | |
| 10 | Чироқчи тумани | 750,0 | | 750,0 | | |
| | **Навоий вилояти** | | | | | |
| 11 | Учқудуқ тумани | 850,0 | | 850,0 | | |
| 12 | Томди тумани | 850,0 | | | 850,0 | |
| | **Наманган вилояти** | | | | | |
| 13 | Чуст тумани | 750,0 | | | 750,0 | |
| | **Сурхондарё вилояти** | | | | | |
| 14 | Ангор тумани | 800,0 | | 800,0 | | |

| Т/р | Туман (шаҳар)лар номи, иш турлари (мебель ва ташкилий техника билан таъминлаган ҳолда) | Ишларнинг ҳисобланган қиймати (млн сўм)* | Шу жумладан йиллар бўйича** | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил | 2021 йил |
| | **Сирдарё вилояти** | | | | | |
| 15 | Мирзаобод тумани | 750,0 | | 750,0 | | |
| 16 | Сайхунобод тумани | 750,0 | | | 750,0 | |
| | **Тошкент вилояти** | | | | | |
| 17 | Оҳангарон шаҳри | 750,0 | | 750,0 | | |
| 18 | Зангиота тумани | 750,0 | | | 750,0 | |
| | **Фарғона вилояти** | | | | | |
| 19 | Риштон тумани | 700,0 | | | 700,0 | |
| 20 | Фарғона шағри | 750,0 | | 750,0 | | |
| | **Хоразм вилояти** | | | | | |
| 21 | Боғот тумани | 800,0 | | | 800,0 | |
| | **Жами:** | **15 150,0** | | **7 600,0** | **7 550,0** | |
| | **ҲАММАСИ:** | **94 271,0** | **18 560,0** | **28 742,0** | **28 114,0** | **19 205,0** |

*) амалга ошириладиган ишларнинг ҳисобланган қиймати лойиҳа-смета ҳужжатлари тасдиқлангандан, шунингдек, танлов (тендер) савдолари ўтказилгандан сўнг аниқлаштирилади;

**) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги заруриятдан келиб чиққан ҳолда ҳамда Жамғарма маблағларининг мақсадли ишлатилиши мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқиб, бажариладиган ишлар муддати ва турига ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга;

***) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг марказлаштирилган капитал қўйилмалари маблағлари ҳисобидан қуриладиган АБКМ биноларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига мазкур Дастурда белгиланган муддатлардаги йилларда амалга оширилади.